

## ТУМАНДА ЁШЛАР МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА 2022 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ.

Ёшлар билан ишлашнинг янгича бошқарув механизмларини жорий этиш ҳамда улар билан ишлашнинг вертикал тизимини яратиш ва ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида Давлат раҳбари томонидан ПҚ-92-сонли Қарор ижроси юзасидан туманда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Очиқ танловлар асосида тумандаги 45 та маҳалла фуқаролар йиғинларига Ёшлар етакчиси лавозимига номзодлар саралаб олинди.

Бугунги кунда ёшлар етакчиларининг 43 нафари маҳалла биноларига, 2 нафари мактаб биносига (Озод МФЙ 18-мактаб), (Янгиобод МФЙ, 50-мактаб) биносига жойлашган.

Ажратилган хизмат хоналари тўлиқ интернет тармоғига уланган, тўлиқ планшетлар билан таъминланган.

Мебель ва компьютер жиҳозларига эҳтиёжи бўлган ёшлар етакчилари учун янги, замонавий зарурий жиҳозларга буюртма берилган.

### “Ёшлар баланси” тўғрисида:

Бугунги кунда тумандаги жами 135139 нафар аҳолининг **37403 нафарини** (27.7 %)–14-30 ёшгача бўлган ёшларни ташкил этиб, уларнинг, **636 нафари** (1,7 %) ҳозирда хорижий давлатларга ишлаш, ўқиш учун чиқиб кетишган.

Ўрганилган **37403 нафар** ёшларнинг

- **19310 нафари** (51.6%) эркекларни;

- **18138 нафари**(48.4%)хотин-қизларни ташкил этади.

Туманда “Ёшлар дафтари” бўйича хатлов ўтказилиб **37403** нафар ёшлардан анкета сўровномалари тўлдирилди. Шундан **37403** нафар ёшлар рўйхати (100%) электрон базага киритилди.

-**37403 нафар** ёшлар орасидан, **37252 нафари** меҳнатга лаёқатли бўлиб,

- **17016 нафари** (45,5 %) таълимда ва давлат ташкилотларида банд бўлган ёшлар;

- **11155 нафари** (29.8 %) ишлаш истаги йўқ, бола парвариши билан банд уй бекалари ва таълимнинг кейинги босқичига тайёраланаётган абитуриентлар

- **6821 нафари** (18,2 %) норасмий ишлайдиган, банд бўлганлар;

-**688 нафари** (1,8%) ишсизларни ташкил этади.

Ўтказилган сўровнома натижасига кўра, **688 нафар** ёшларнинг, **623 нафари (90.3%)** турли соҳаларда ишлаш истагини билдирган бўлса, **65 нафарини (9.7%)** ишлаш истаги йўқлигини билдирган.

Тумандаги барча маҳаллаларда хатлов ишлари тўлиқ яқунланиб муаммолар касблар ва қизиқишлари кесимида тоифаларга бўлинган. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилиб иш топиш, касбга ўқитиш, чет элдан иш топиб бериш масалаларида аниқ бир тўхтамга келинган.

## **Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга доир кўшимча Чора-тадбирлар дастури тўғрисида**

Топшириққа асосан, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш орқали уларни жисмонан соғлом ва маънан етук қилиб тарбиялаш, билим ва касбий маҳоратини ривожлантириш мақсадида туман 2022 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

**Чора-тадбирлар дастури 5 та** устувор йўналиш жами **69 та** банддан иборат бўлиб, ҳар бир лойиҳа ва тадбирлар **3 босқичда** – “**маҳалла - сектор - туман**” кесимида амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда беш ташаббус тадбирларининг иккинчи босқичи 10 сентябрдан бошланиб дастлабки спорт мусобоқалари турларининг маҳалла босқичлари яқунланиб ташаббуснинг кейинги турлари тадбирлар бошланди ва давом этмоқда.

Ушбу тадбирларга **50 минг** дан ортиқ **7-30 ёш** тоифасидаги ёшлар камраб олиниши режалаштирилган.

Тумандаги **45 та** маҳаллалар барчасида “**Ёшлар баланси**” шакллантирилган ва улар асосида “**Ёшлар дафтари**” ва “**Ёшлар дастури**” ижроси йўлга қўйилди.

Шакллантирилган “**Ёшлар баланси**” ва “**Ёшлар дафтари**” асосида тумандаги **45 та** маҳаллада ёшлар билан ишлаш ҳолати баҳоланиб, **22 таси сариқ (64,4 фоиз)**, **23 таси яшил (35,5 фоиз)** тоифага ажратилди.

Жумладан: **5 та сариқ** (Майинтепа, Зармитан, Бойтўп, Юқорисарой ва Қувкалла) ва **5 та** (Хонназар, Заркент, Қийқим, Шавона ва Қўрғон) маҳаллалари яшил тоифаларда баҳоланди.

Секторда маҳаллаларни тоифаларга ажратилганда Қўрғон маҳалласи **75,9 балл** билан юқори бал кўрсаткичга эга бўлди. Чунки бу маҳаллада ёшлар томонидан жинойтчилик содир қилинмаганлиги ва инфратузилмалар, ҳусусан Маданият уйи, мини футбол майдончаси ва бошқа ёшларга оид инфратузилмалар нисбатан бошқа маҳаллаларга қараганда яхши эканлиги сабабли юқори балл келиб чиқди.

Бугунги кунда ёшлар билан ишлаш бўйича тоифага ажратилган маҳаллаларни қизилдан сариққа, сариқдан яшилга ўтказиш бўйича ҳар бир маҳаллада 3 йўналишдан иборат бўлган ҳар бир маҳаллада “Ёшлар дастури” ишлаб чиқилган.

### **Ёшлар дастури қуйидаги 3 йўналишдан иборат:**

1-йўналиш: “Ёшларнинг бўш вақти, етакчининг иш вақти” тамойили асосида кўчама-кўча тадбирларни ташкил этиш.

2-йўналиш: 5 босқичли 5 ташаббус лойиҳаси доирасида тадбирлар ўтказиш

3-йўналиш: Ёшлар дафтарига киритилган ёшларни бандлигини таъминлаш орқали дафтардан чиқариш.

4-йўналиш: Маҳалладаги ёшлар инфратузилмасини яхшилаш.

### **Маҳаллаларда ўтказилаётган тадбирлар**

Аҳолининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва саломатлигини мустаҳкамлашда спорт машғулоти, хусусан ҳаракатли машқларнинг ўрни беқиёс. Шу сабабли жисмоний тарбия ва спортни кенг тарғиб этишга қаратилган тадбирларга алоҳида эътибор қаратилмоқда

**“Бир нуруний - ўн нафар ёш мураббий”** лойиҳаси доирасида маҳалла ижтимоий кўмакка муҳтож ва ишсиз ёшлар билан учрашувлар ташкил этилмоқда.

Жумладан;

Заркент маҳалласида “**Бизнес марафон**” лойиҳаси ўтказилиб, “**Оспан-Кар инвест**” МЧЖ поябзал тикиш цехи ва Тикувчилик корхонасига ёшларнинг саёҳатлари ташкил қилинди.

12-март куни тадбиркорликка қизиқувчи ёшлар иштирокида “**Бизнесга бир қадам**” шиори остида бизнес тренинг ташкил қилинди. Ушбу лойиҳага 150 нафардан ортиқ ёшлар иштирок этди, лойиҳада ёш тадбиркорлар, ёш фермерлар, ёш ҳунармандлар қатнашди.

Заркент маҳалласида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича ўтказилаётган наъмунали тадбирлар режаси доирасида Кончилар Маданият уйида “**Раҳбар ва ёшлар**” учрашуви ўтказилди.

Тадбирда туман ҳокими, сектор раҳбарлари, ҳоким ўринбосари, Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими вакиллари ҳамда ташаббускор ёшлар иштирок этди.

Учрашувда қатнашган ёшларнинг мурожаатлари тингланиб, тегишлилиги бўйича ташкилот раҳбарларига топшириқлар берилди.

## Беш босқичли беш ташаббус олимпиадаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги ПҚ–92-сон қарори, Ўзбекистон Республика Президентининг 2022 йил 23-24 февраль кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва 25 февраль куни ўтказилган 16-сонли йиғилиш баёнининг 123, 125-бандларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, жумладан, маҳаллаларда ёшларни маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари ва китоб ўқишга бўлган қизиқишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган беш ташаббусни жойларда кенг тарғиб этиш, уларни маънавий баркамол қилиб тарбиялашга қаратилган маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида китобхонлик, маданият ва санъат, интеллектуал ўйинлар, ахборот технологиялари, спорт турлари бўйича беш босқичли “маҳалла – сектор – туман – вилоят – республика” босқичларида “Беш ташаббус олимпиадаси” ташкил этилиб, тадбирлар ўтказилиб келинмоқда. Хусусан:

“Ёшлар овози” танловининг маҳалла, сектор ва туман босқичлари якунланиб, ғолиб иштирокчилар сараланиб 8 нафар иштирокчилар вилоят босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Олимпиада доирасида спорт мусобақаларининг 7-10, 11-15, 16-21, 22-26 ва 27-30 ёш тоифалари бўйича спорт мусобақаларининг маҳалла ва сектор босқичлари якунланди.

Шунингдек туманда 16-30 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида спортнинг футбол ва мини-футбол тури бўйича “Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳавфсизлик хизмати кубоги” мусобақасининг маҳалла, сектор ва туман босқичлари якунланиб, ғолиб жамоалар вилоят босқичида иштирок этди.

Бундан ташқари Мушоира, Ёш китобхон оила, Зукко китобхон тадбирлари ўтказилди. Ёшлар ишлари агентлиги кубоги учун Шахмат турнирининг туман босқичлари ўтказилди.

Қувноқлар ва зукколар кўрик танловининг туман босқичида,

Намуна маҳалласининг “Миллиард” жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Бугунги кунда Киберспорт мусобақасининг сектор босқичлари ўтказилмоқда.

## ЁШЛАР ДАФТАРИ

Тумандаги **1 минг 105 нафар** ёшлар “Ёшлар дафтар”ига киритилиб, шундан **927 нафари** кўрсатилган ҳар тарафлама кўмаклар натижасида дафтардан чиқарилди.

Жумладан,

- **328 нафар** ишсиз ёшлар бўш иш ўринларига жойлаштирилди,

- **96 нафарига** 42 гектар ер майдони ажратилди,

- **21 нафарига** тижорат банклари томонидан кредит ажратилган,

- **8 нафар** ёшлар устоз шогирд ананасига доир хунармандларга бириктирилган,

-**184 нафар** ёшларга бандилигини таъминлаш мақсадида субсидия асосида асбоб-ускуналар ажратиб берилган, 192.3 млн сўм маблаб ажратилган

-**2 нафар** ёшларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида психологик ёрдам кўрсатиш харажатлари қоплаб берилган,

-**15 нафар** ёшларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида истеъдодини қўллаб-қувватлаш харажатлари қоплаб берилган,

**7 нафар** ёшларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида тиббий хизмат (даволаниш) харажатлари қоплаб берилган,

-**25 нафар** ёшларни хайдовчилик гувоҳномаси харажатлари шундан **18 нафариники 21.6 млн сўм** Ёшлар жамғармаси маблағларидан Ёшлар ишлари агентлиги директорининг маблағлари ҳисобидан **7 нафарига 8.4 млн сўм** тўлаб берилди. қоплаб берилган,

- **165 нафар** олий ўқув юртларида ўқиётган ёшларга контракт тўлови учун **572 млн.сўм** тўлаб берилди,

- **76 нафарига** сафарбарлик чақирuvi резерви учун ёшлар жамғармаси маблағларидан **63 нафарига 342.1 млн сўм**, Ёшлар ишлари агентлиги директорининг маблағлари ҳисобидан **13 нафарига 75.1 млн сўм** тўлаб берилди.

Натижада уларнинг **927 тасининг** муаммолари ижобий ҳал этилиб, “Ёшлар дафтар” дан чиқарилди.

Бугунги кунда **175 нафар** ёшлар “Ёшлар дафтари”да қолмоқда.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига йил давомида, 1 млрд **630 млн.сўм** (*маҳаллий бюджетдан 1 379 млн сўм, МИБ дан ажратма 251 млн.сўм*) келиб тушган, шу давр мобайнида 1 млрд **297.2 млн.сўм** маблағ дафтарда турувчи ёшларимизни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг доимий бандлиги ва даромадга эга бўлиш учун сарфланди.

**20 нафар талаба ёшларга кантракт тўлови, 10 нафар ёшларга бир марталик моддий ёрдам, 70 нафар ёшларга ўзиниўзи банд қилиш**

мақсадида асбоб-ускуналар олиб бериш режалаштирилган бўлиб Васийлик Кенгаши йиғилиши ўтказилиб тасдиқланди ва бугунги кунда электрон аукцион платформасига жойлаштирилиб тез кунда олиб берилиши кўзда тутилган.

5 босқичли 5 ташаббус олимпиадасини ўтказиш ва ғолибларни тағдирлаш бўйича туман Васийлик Кенгаши йиғилиши ўтказилиб бугунги кунда совғалар электрон аукцион платформасига жойлаштирилди.